

## Ҳаж мавсумларида иштирок этишлари



16:00 / 28.07.2019 2121

Тоифдан қайтиб келганларидан кейин Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзларини турли қабилаларга очиқ-ойдин таништиришни бошладилар. Бунинг учун энг қулай фурсат ҳаж мавсумлари эди. Ҳажга атроф-теварақдаги қабилалар ҳар йили гуруҳ-гуруҳ бўлиб келишар эди. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам одам кўп тўпланадиган жойларга бориб, уларни Исломга чақирар, Қуръони Каримдан тиловат қилиб берар эдилар. У зот: «Эй Бану фулон! Мен сизларга Аллоҳ юборган расулман. Сизларни Аллоҳга ибодат қилишга, У Зотга бирор нарсани шерик қилмасликка буюришга амр қилинганман. У Зотдан бошқа ибодат қилаётган нарсаларингизни тарк этишга чақираман. У Зотга иймон келтиринг! Мени ўз ҳимоянгизга олинг. Токи У Зот юборган нарсани етказай», дер эдилар.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ваъзларини тугатишлари билан Абу Лаҳаб ўрнидан туриб: «Эй Бану фулон! Манави сизларни Лот ва Уззони ҳамда сизларга ошно бўлган жинларни бўйинларингиздан отиб ташлашга даъват қилмоқда. Ўзи келтирган бидъат ва залолатга чақирмоқда. Унга итоат қилманглар. Унга қулоқ османглар», дер эди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам даъватларини ҳеч ким қабул қилмаса ҳам, ана шундай ҳолда давом эттирар эдилар.

Ясрибликлар билан учрашув

У зот ҳожилар шайтонга тош отадиган Ақабаномли жойда Ясрибда (Мадинада) истиқомат қилувчи Хазраж қабиласига мансуб бир гуруҳ кишиларга дуч келдилар. Улар олти кишидан иборат эдилар: Асъад ибн Зурора, Авф ибн Ҳорис, Рофеъ ибн Молик, Қутба ибн Омир, Уқба ибн Омир ва Жобир ибн Абдуллоҳ.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам улардан: «Сизлар ким бўласизлар?» деб сўрадилар. «Хазражликлармиз», дейишди.

«Яҳудийларнинг дўстлариданми?» дедилар. «Ҳа», дейишди.

«Ўтирсаларингиз, бир гапим бор эди», дедилар. «Хўп», деб ўтиришди.

У зот уларни Аллоҳга даъват қилдилар ва Қуръони Каримдан тиловат қилиб бериб, Исломга чақирдилар.

Мазкур хазражликларнинг қалбларида Исломга киришга мойиллик бор эди. Уларнинг юртида яҳудийлар ҳам яшар, улар аҳли китоб бўлишгани учун кўп нарсаларни билишарди. Агар араблар билан яҳудийлар ўртасида жанжал чиқиб қолса, яҳудийлар уларга: «Бизнинг пайғамбаримизнинг чиқиш вақти яқинлашиб қолди. Биз унга эргашиб, сизларни ўлдирамиз. Од ва Эрам халқлари қирилиб кетгандек, сизлар ҳам қирилиб кетасизлар», дейишар эди.

Муҳаммад мустафо соллаллоҳу алайҳи васаллам мазкур хазражликларга гапириб бўлишлари билан улар бир-бирларига қараб: «Билдингизми? Бу яҳудийлар васфини келтирадиган пайғамбарнинг ўзи-ку! Улардан олдин иймон келтириб қолиш керак!» дейишди.

Уларнинг барчалари иймонга келишди. Сўнг Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга: «Биз ўз қавмимизни қолдириб келганмиз. Дунёда у қавм каби адоватли ва ёмон қавм бўлмаса керак. Шояд, Аллоҳ уларни сизнинг

сабабингиздан жам қилса. Биз бориб, уларни ҳам сизнинг ишингизга даъват этамиз. Уларга сиздан қабул қилган динни таклиф қиламиз. Агар Аллоҳ уларни сизнинг атрофингизда жамласа, сиздан азизроқ одам бўлмайди», дейишди.

Сўнг келаси йили яна учрашишга ваъдалашиб, қайтиб кетишди. Ўша йили мазкур гуруҳнинг ҳаракати билан Ясрибда Ислом дини тарқалди.

***“Ислом тарихи” биринчи китоб***